

**ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ
ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ****З.И. Хакимов***ТИСУ и.ф.ф.д, PhD.***М.Қ. Абдусаматов***ТИСУ ўқитувчиси*

Сув бутун тирик организмларнинг яратувчисидир. Буни дунёвий диний илмлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Қуръони Каримда «Биз тирикликни сувда яратдик» деб зикр қилинади. Сув инсон организмнинг 65-70фоизини, ўсимликлар таркибининг 50-99 фоизини ташкил этади. Башариат оламининг тўртдан уч қисми сувдан ташкил топган бўлиб, унинг 92-96 фоизи океанларда 1,73фоизи абадий музликларда 1,70 фоизи ер ости чучук сув захираларидан иборатдир.

БМТ берган маълумотларга кўра, сайёрамизнинг 1 млрд. дан ортиқ аҳолиси тоза ичимлик сув танқислиги, 60-65 фоизи эса тоза ичимлик сув билан етарлича таъминланмаган шароитда яшайди. Шунини очик эътироф этиш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ер юзиде инсониятнинг кескин кўпайиши, фан-техника таракқиёти, саноатнинг чиқитсиз технологияга ўтмаганлиги оқибатида кундан-кунга тоза ичимлик суви муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда.

Сурхондарё вилояти хуудиде табиий-географик, гидрогеологик, иқлим ва бошқа шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ер усти сувларининг ифлосланиши саноат ва йирик ишлаб чиқариш иншоотларидан оқизиладиган ифлосланган оқова сувларнинг миқдорига унчалик боғлиқ эмаслиги, яъни оқова сувларни қабул қилувчи сув манбаларининг сифатига салбий таъсири сезиларли эмаслигини кўрамыз.

Вилоятда жами суғорилиши мумкин бўлган ер майдонлари миқдорини ҳозирги кундаги 330 минг гектардан 480 минг гектаргача кўпайтириш имкониятлари мавжуд. 2020 йил 1 январ ҳолатига 330,0 минг гектари суғориладиган, шу жумладан, 288 минг гектар экин экиладиган майдонлари мавжуд. Аҳолининг томорқа ерлари ҳозирги кунда 61,4 минг гектарни ташкил этиб, шундан 42,3 минг гектарига экин экилади, 9,12 минг гектари боғ ва бошқа мевали дарахтлардир. Иморат ва қурилишлар билан банд бўлган майдонлар 10 минг гектарни ташкил этиб, ушбу ерларнинг 2,0 минг гектарининг мелиоратив ҳолати ёмонлашган ҳамда 2,22 минг гектари сув таъминоти мавжуд бўлмаган томорқалар сирасига киради.

Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг сувга бўлган эҳтиёжи асосий сув манбалари ҳисобланган Тўпаланг, Қоратоғ, Сурхон, Сангардак, Олтинсой, Шеробод, Обизаранг, Кофирнихон дарёлари мавжуд бўлиб, сув тақчиллигини бартараф этиш учун насос кўтармалари орқали, қисман Амударё сувидан олинадиган қўшимча сувлар, ер ости сувлари ва қўшни Тожикистон Республикасидан сув олишга мўлжалланган «Ҳисор» канали орқали таъминланади.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги аграр йўналишда бўлганлиги сабабли, унинг

иктисодиётини ривожлантиришда ер-сув захиралари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, суғориладиган ер фонди, суғоришга ишлатиладиган сув миқдори билан лимитланган. Вилоятда суғориладиган ер майдонлари вилоят умумий ер майдонининг 14 фоизини ташкил этган ҳолда, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 96 фоизидан ошиғини етиштириб беради. Воҳамизда қўшимча ўзлаштирилиши мумкин бўлган 100 минг гектардан ортиқ майдонлар ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш учун яроқли эканлигини эътиборга олсак, вилоятда суғориладиган ер майдонларини 450-480 минг гектарга етказиш имконияти мавжуд. Бу ерлар, асосан, вилоятнинг «Юқори тибит» массивида 25,0 минг гектардан ортиқ, Кўхитанг ширкат хўжалиги «Пошхурт» ботиғида 12,0 минг гектар, Каттақум массивида 22,0 минг гектардан ортиқ, Қорақир массивида 4 минг гектарга яқин, «Хотинробот» массивида 10 минг гектардан ортиқ, Ховдак массивида 22 минг гектар ва бошқалар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги муомаласига киритилиши мумкин бўлган майдонлар мавжуд бўлса-да, сув захираларининг етишмаслиги, янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун маблағлар етишмаслиги муаммолари мавжудлиги сабабли, суғориладиган майдонлар ҳажмини кенгайтириш учун ҳозирги кунда имкониятларга эга эмасмиз.

Вилоят халқ хўжалиги иншоотларининг сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун амалдаги ирригация тизимларининг сувдан фойдаланиш коэффициенти билан ҳисоблаганда 4,5-5,0 млрд м³ сув талаб этилади ва қўшимча сувга бўлган талаб Амударёдан насос кўтармалари орқали транзит йўли билан олинадиган сув манбаларидан қопланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир тоннасини, жумладан: буғдой етиштириш учун - 1500 м³, шоли етиштириш учун - 4000 м³, пахта етиштириш учун 3000 м³ сув талаб этилади. Суғориш тизимларининг сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,7-0,8 ва ундан пастлигини эътиборга оладиган бўлсак, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ўта зарур эканлигини англаш қийин эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, олинаётган сув ресурсларининг ярмидан кўпини фойдаланмасдан самарасиз йўқотмоқдамиз. Сув ресурсларидан имкон қадар унумли фойдаланиш ва йўқотишлар салмоғини камайтириш учун комплекс тадбирларни амалга оширишга тўғри келади ва бунинг учун барчамиздан биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун талабларига юридик ва жисмоний шахсларнинг оғишмай амал қилишларига эришмоғимиз лозим. Чунки суғориш учун етказиб берилётган сув вилоят иктисодиёти ривожланиши учун зарур бўлган асосий маблағларнинг электр энергия, гидротехник иншоотлар, насос қурилмаларида ҳар йили амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш, реконструкция қилиш, магистрал канал ва зовурларни механик тозалаш ҳамда эксплуатация харажатларига сарф қилиниши эвазига таъминланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш оқибатида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган

майдонлар ҳажми ва уни жами пахта майдонидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормокда. Жумладан, 2022 йилда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган майдон 52,9 минг гектарни ташкил этиб, жами пахта майдонидаги улуши 2018 йилга нисбатан 5,1фоизга ошган. Шундан кластерларга бириктирилган пахта майдонининг 3,5 фоиз томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида майдон бирлиги ҳисобига субсидиялаш амалиёти кенг йўлга қўйилган. Қуйидаги 1- жадвалда сув тежовчи суғориш технологияларини харид қилиш ва қуришга ажратилган субсидия миқдори бўйича маълумотлар акс этган.

Сув тежовчи суғориш технологияларини харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар

МИҚДОРЛАРИ

1- жадвал

Суғориш тури	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш
Пахта	
Томчилатиб суғориш	1 гектар экин майдони учун 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида, бироқ миллий валютадаги кредитлар учун – 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар учун – 3 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда
Дискрет суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
Донли экинлар	
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	1 гектар экин майдони учун 20 миллион сўмдан ошмайдиган қисми бўйича валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида, бироқ миллий валютадаги кредитлар учун – 10 фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар учун – 3
«Спринклер» тизими	фоизлик пунктдан ошмаган миқдорда
Сабзавот экинлари ва картошка	
Томчилатиб суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-

Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
«Спринклер» тизими	
Полиз экинлари	
Томчилатиб суғориш	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
Озуқабоп экинлар	
Кенг қамровли ёмғирлатиб суғориш тизими	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган шартларда
«Спринклер» тизими	

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ҳар бир экин турлари ва етиштирилаётган маҳсулот туридан келиб чиқиб суғориш технологиялари учун сарфланган харажатларини субсидиялаш шартлари, манбалари ва миқдори кўрсатиб ўтилди.

Фермер хўжаликларидан эса бу кўрсаткич кластерларга нисбатан бирмунча юқори бўлиб, 2019 йилда фермерлар ихтиёридаги 983 минг гектар пахта майдонининг 7 минг гектарида ёки 0,7 фоиз майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган. 2022 йилга келиб эса, фермерларнинг 856,2 минг гектар пахта майдонидан 46,8 минг гектар ёки 5,5 фоиз майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган.

Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш натижадорлигини баҳолаш⁴

2-жадвал

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Анъанавий суғориш усулида 1 га ердан олинган маҳсулот	тонна	2,9
Томчилатиб суғориш усулида 1 га ердан олинган маҳсулот	тонна	4,5

⁴ Муаллиф ишланмаси

Қўшимча маҳсулот олиш коэффициенти	-	1,6
Анъанавий суғориш усулида меҳнат унумдорлиги	тонна/киши соат	0,032
Томчилатиб суғориш усулида меҳнат унумдорлиги	тонна/киши соат	0,055
Меҳнат унумдорлиги коэффициенти	%	1,7
Анъанавий суғориш усулида 1 га ердан олинган	минг сўм	9425,0
Томчилатиб суғориш усулида 1 га ердан олинган	минг сўм	14625,0
Иқтисодий самарадорлик коэффициенти	%	1,6

Бугдой етиштиришда истиқболда фермер хўжаликлари томонидан агротехник тадбирларни бажаришда моддий ва меҳнат ресурсларни тежаш, харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва ерларнинг бонитет балларидан келиб чиқадиган коэффициентлар МИҚДОРЛАРИ⁵

2- жадвал

Суғориш тури	Ерларнинг бонитет баллари ҳисоб-китоби бўйича коэффициентлар				
	0 – 20	21 – 40	41 – 60	61 – 80	81 – 100
Пахта					
Томчилатиб суғориш	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8
Кенг камровли ёмғирлатиб суғориш тизими	0,95	0,85	0,75	0,65	0,55
Дискрет суғориш	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8
Донли экинлар					
Кенг камровли ёмғирлатиб суғориш тизими	1,2	1,1	1,0	0,9	0,8
«Спринклер» тизими	1,7	1,6	1,5	1,4	1,3
Сабзавот экинлари ва картошка					
Томчилатиб суғориш	0,15	0,14	0,13	0,12	0,11
Кенг камровли ёмғирлатиб суғориш тизими	0,35	0,3	0,25	0,2	0,15
«Спринклер» тизими	0,6	0,5	0,4	0,3	0,2
Полиз экинлари					
Томчилатиб суғориш	0,15	0,14	0,13	0,12	0,11
Озуқабоп экинлар					
Кенг камровли ёмғирлатиб суғориш тизими	0,7	0,6	0,5	0,4	0,3
«Спринклер» тизими	0,7	0,6	0,5	0,4	0,3

⁵ Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ер унумдорлигидан келиб чиқиб, коефициентларнинг кўлланилиши ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш билан бирга ер ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини оширади.

Маълумки, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда лазер текислаш технологиясини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида лазер текислаш технологиясини кўллаш кўламлари ҳам йиллар давомида кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2018 йилда 12,1 минг гектар ёки 1,1 фоиз майдон лазер текисланган бўлса, 2022 йилга келиб 112,2 минг гектар ёки 10,9 майдонда лазер текислаш ишлари амалга оширилган.

Маълумки, фан ва техника янгиликларининг асосий истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини инновацион технологияларга бўлган талаб ва истакларини ўрганиш, келгусида чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қайси муаммоларни ҳал қилиш лозимлигини аниқлаб олишга имконият беради. Шу билан бирга сув ресурсларини тежаш орқали маҳсулот таннархининг пасайишига ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сон фармони. 2019 йил 23 октябрь.
2. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги “Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларига сув чиқариш ишларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-459-сонли қарори.*
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
4. Хакимов З.И. Аҳоли томорқаларида суғориш қудуқларини бурғулаш харажатларини молиялаш механизмининг такомиллаштириш. Scientific journal “Impact Factor” 2022: 4.628 vol.1 №4, page number: 11-18. ISSN:2181-3191
5. Хакимов З.И. Уй хўжалигида балиқ етиштиришни молиявий кўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш. ” International conference on learning and teaching”, 2022 , №5; 97-101- бетлар.
6. Интернет сайтлари:
www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.
<https://cbu.uz/oz/>
<https://stat.uz/uz/>